

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАХРОНОВ ЖУРЪАТ ДЖУРАКУЛОВИЧ**

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА КИМЁТЕРАПИЯ НАТИЖАСИДА  
БУЙРАКЛАРДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МОРФОЛОГИК ВА  
БИОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР, ҲАМДА АНОР ДОНАГИ ЁҒИ БИЛАН  
КОРРЕКЦИЯЛАШ НАТИЖАДОРЛИГИ**

**14.00.02-Морфология**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Бахронов Журъат Джуракулович**

Сут беши саратонида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар, ҳамда анор донаги ёғи билан коррекциялаш натижадорлиги.....3

**Бахронов Журъат Джуракулович**

Морфологические и биохимические изменения в почках, вызванные химиотерапией при раке молочной железы и эффективность коррекции маслом косточек граната.....21

**Bakhronov Jurat Djurakulovich**

Morphological and biochemical changes in the kidneys caused by chemotherapy for breast cancer and the effectiveness of correction with pomegranate seed oil .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works.....43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАХРОНОВ ЖУРЪАТ ДЖУРАКУЛОВИЧ**

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА КИМЁТЕРАПИЯ НАТИЖАСИДА  
БУЙРАКЛАРДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МОРФОЛОГИК ВА  
БИОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР, ҲАМДА АНОР ДОНАГИ ЁҒИ БИЛАН  
КОРРЕКЦИЯЛАШ НАТИЖАДОРЛИГИ**

**14.00.02-Морфология**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2024.2.DSc/Tib1017 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи</b>	<b>Тешаев Шухрат Жумаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Орипов Фирдавс Суръатович</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Рахматова Муқаддас Халтаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Павлова Татьяна Василевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Соғлиқ билимлари университети</b> (Туркия)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Қ. Дўстова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**А.Р.Облоқулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Саратон - бу инсон танасининг ҳар қандай аъзолари ва тизимларига таъсир қилиши мумкин бўлган касалликларнинг кенг гуруҳини ўз ичига олган умумий тушунча ҳисобланади. Ушбу тоифадаги касалликларни ифодалаш учун "хатарли ўсмалар" ва "ёмон сифатли ўсмалар" атамалари ҳам қўлланилади. Саратоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу меъёрий чегараларидан ташқарида ўсиб, атрофдаги тўқималарга кириб бориши ва бошқа органларга кўчиб ўтиши, яъни метастаз бериши мумкин бўлган атипик ҳужайраларнинг тез кўпайиши билан характерланади. Саратон касаллигида кенг тарқалган метастазлар ўлимнинг асосий сабабига айланади.

Жаҳонда сўнгги ўн йилларда онкологик касалликлар сонининг кўпайиши ўсма ҳужайраларига таъсир қилишнинг янги дори воситалари ва усуллари ишлаб чиқиши, айрим ҳолларда кимётерапия режимларини кучайтириши талаб қилади. Ўсма касалликларини даволашда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, даволашнинг токсиклиги жуда катта муаммолидир. Саратон касаллигида ривожланадиган буйрак шикастланиши асосан «...кимёвий дорилар концентрациясининг ўзгариши ёки ошиши олиб келиши мумкин, бу эса уларнинг токсиклигини оширади...»<sup>1</sup>, касалхонада қолиш муддатини узайтиради ва ўлим кўрсаткичларини оширади.

Дунёда канцероген моддалар тури ва таъсири ошиб бормоқда. Бу эса аҳоли орасида ёмон сифатли ўсма касалликларини кўпайишига сабаб бўлади. Онкологияда кимётерапия инсон танасига кимёвий воситаларни киритиш орқали хавфли ўсмаларга қарши курашнинг юқори технологияли замонавий усули ҳисобланади. Кимётерапия препаратлари ўсма ҳужайраларига турли йўллар билан таъсир қилади. Кимётерепиядан кейинги анъанавий консерватив реабилитация ва анор донаги ёғини антиоксидант сифатида қўллашда буйрак тўқималарининг тикланишига таъсири тўғрисида аниқ тушунча мавжуд эмас.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни даволаш йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар саратон касаллиги таъсири ва кимёвий даволаш фониди, буйракнинг зарарланиши билан боғлиқ, организмда ривожланадиган гомеостазини издан чиқарувчи ҳолатларни камайтириш,

<sup>1</sup> К вопросу о нормировании модифицированной эпоксидной смолы марки УП-666-4 в воздухе рабочей зоны / Т.Е. Теплова, Е.В. Богатырева, Я.Б. Ли и др. // Актуальные проблемы транспортной медицины. - 2005. - №2. - С. 84-88.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш, иммун танқислик белгилари билан кечувчи касалликлар асорати натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради. Шу муносабат билан бир қатор кенг қўламли доимий дастурий ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, турли хил экзоген омилларнинг, яъни кимёвий таъсирнинг салбий таъсири натижаси тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли, касалланиш, олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ва ушбу омиллар таъсирининг салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган қўплаб муаммолар ҳалигача ҳал қилинмай қолмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиология хавфсизлиги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 1652-сонли қарорларида, шунингдек “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сонли қарори асосида ва бошқа соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши Ўзбекистон республикасида илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди. VI. «Тиббиёт ва фармакология»

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Тажрибада меъёрда, сут беги саратон касаллиги ва унинг кимётерапиясида буйраклардаги морфометрик ўзгаришлар ва инсон организмига салбий таъсири жуда хилма-хил бўлиб, бу долзарб муаммони ҳал қилиш учун бутун дунёда қўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ишлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан; (Western Kentucky University, Dominican University of California, Harvard University, University of Missouri-Columbia, University of Nebraska–Lincoln, Colby college (АҚШ), Oxford University (Буюк Британия) ўрганилиб борилмоқда.

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.macmillan.org.uk/cancer-information-and-support/treatments-and-drugs/chemotherapy-for-breast-cancer>, [www.atlantopathology.com](http://www.atlantopathology.com), [www.unisr.it](http://www.unisr.it), [www.unipv.it](http://www.unipv.it), [www.uksh.de](http://www.uksh.de), <https://antirak-centr.com/article/post/lecheniye-posle-khimioterapii>, [www.ico.gencat.cat](http://www.ico.gencat.cat), [www.uoa.gr](http://www.uoa.gr), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.jazanu.edu.sa](http://www.jazanu.edu.sa), [www.rims.edu.in](http://www.rims.edu.in), [www.rnioi.ru](http://www.rnioi.ru), [www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz), сайтлар асосида ишлаб чиқилган <https://www.nationalbreastcancer.org/breast-cancer-chemotherapy/> ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Тажрибада сут беши саратон касаллиги кимётерапиясида анор донаги ёғи билан коррекциялаш, ҳамда ананавий даво муолажаларини қўллашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Edinburgh (Англия), University of California, Pukong National University (Корея), Harvard University, Department of Environment and Health, University of Pavia (Италия), Colorado State University, Emory University (США), University of Murcia (Испания), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Россия Фанлар академияси Санкт-петербург бўлими (Россия), Қозон илмий тадқиқот институтлари ва Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, Бухоро давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Барча мамлакатлар тиббиёт ходимлари сут беши саратон касаллиги ва уни даволашда кимётерапияни қўллаб бир қатор глобал муаммоларга дуч келишмоқда. Сўнгги ўн йилларда онкологик касалликлар сонининг кўпайиши ўсма хужайраларига таъсир қилишнинг янги дори воситалари ва усулларини ишлаб чиқишни, айрим ҳолларда кимётерапия режимларини кучайтиришни талаб қилади. Ўсма касалликларини даволашда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, даволашнинг токсиклиги жуда катта муаммолидир. Саратон касаллигида ривожланадиган буйрак шикастланиши дорилар концентрациясининг ўзгариши ёки ошиши олиб келиши мумкин, бу уларнинг токсиклигини оширади, касалхонада қолиш муддатини узайтиради ва ўлим кўрсаткичларини оширади (Department of Animal Science, Debre Berhan University, Department of Veterinary Medicine, Jimma University, Jimma, Эфиопия); сут беши саратон касаллиги кимётерапиясида соғлом тўқималарни ҳам шикастланишни бартараф этишда ҳазирда дунё олимлари бир неча табиий воситаларни таклиф этмоқдалар (University of Milan (Италия), Universitat de València (Испания), University of Illinois at Chicago (АҚШ), University of Turku (Финляндия), Ghent University (Бельгия), бу эса сут беши саратон касаллигида кимётерапия қўллаб, сўнгра кимётерапияни инсон организмни бошқа орган ва тўқималарига шикастловчи салбий таъсирини камайтиришга ёрдам беради.

Айни пайтда, тадқиқот ишлари, шу жумладан, тажрибада сут беши саратон касаллиги ва уни даволашда кимётерапияни қўллаб, ананавий даво чоралари билан биргаликда табиий воситалардан фойдаланиш яхши натижаларни берган (University of Alberta, АҚШ); ёмон сифатли ўсма касалликларида кимётерапия инсон танасига кимёвий воситаларни киритиш орқали хавfli ўсмаларга қарши курашнинг юқори технологияли замонавий усули ҳисобланади. Кимётерапия препаратлари ўсма хужайраларига турли йўллар билан таъсир қилади. Уларни ўсишини секинлашади, бўлиниш жараёнини тўхтатади ёки ўсма хужайралари ҳаётий функцияларини бузади. Кимётерапия препаратлари нафақат ўсма хужайраларига, балки соғлом хужайраларга ҳам таъсир қилади ва уларни ўлимига сабаб бўлиши исботланган: Wageningen University (Нидерланд), International Christian University (Япония), Forestry and Agricultural Biotechnology Institute (FABI), University of Pretoria (Жанубий Африка), Dalhousie University Halifax, University of Saskatchewan Saskatoon (Канада), (University of Pennsylvania, АҚШ, Jagiellonian University (Польша).

Дунёда тажрибада биринчи бор сут беши саратон касаллигида кимётерапия қўллаганимизда анор донаги ёғи препарати табиий антиоксидант воситалар сифатида қўлланилди, хусусан, 17-алфа-эстеродиол кучли антиоксидант ва

аёллар гармонал тизимига ижобий таъсир этади. У магний, кальций, калий, фосфор, натрий, йод, А, Д, Е, К витаминларига бой бўлиб, организмнинг иммун тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади ва кенг кўламли терапевтик, ҳамда профилактик таъсирга эга, шунингдек турли хил этиологияларга эга бўлган кўплаб касалликлар учун ишлатилади. У метаболизм ва оксидланиш жараёнларини кучайтиради, қонда захира ишқорийлигини оширади, бу тўқималарда метаболизмнинг нормаллашишига ёрдам беради, овқат ҳазм қилиш, озуқа моддаларининг тўқималар томонидан ўзлаштирилиш жараёнларини яхшилайтиди, юрак ва нафас олиш фаолиятини рағбатлантиради. Буйракнинг турли хил омиллар таъсирига юқори сезгирлиги, организмда биринчилардан бўлиб хужайра архитектоникаси ва морфологик қайта тикланишдаги адаптив ўзгаришлар билан ижобий реакцияга киришиш қобилиятини ошириши эвазига шикастловчи омиллар таъсирида кузатиладиган буйраклардаги реактив морфофункционал ўзгаришларни бартараф этади, ҳамда буйракнинг бу таъсирга мослашувчан реакцияси характери ва интенсивлигига ижобий таъсир қилади. Асосийси буйракнинг структуравий ва функционал ҳолатидаги ўзгаришларини объектив баҳолаш каби далилий тиббиётнинг замонавий талабларига жавоб берадиган морфометрик тадқиқот усулларига йўл очади.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда саратон касалликларида қўлланиладиган кимётерапия натижасида келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш ва даволаш учун организмнинг табиий ҳимоясини сафарбар қилиш, физиологик ва иммунобиологик реакцияларни шакллантириш мақсадида ҳозирги кунда биологик фаол моддалардан кенг фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Антиоксидант таркибли табиий воситалар ферментлар тизимининг фаоллигини ўзгартириб, метаболик жараёнлар даражасини ва организмнинг турли патоген таъсирларга чидамлилигини оширади.

Кўпгина ўсимликларнинг таркибида мавжуд бўлган биологик фаол бирикмаларнинг бой спектри танага ўзига хос фармакологик таъсир билан биргаликда, умумий соғломлаштирувчи (органопротектор) таъсир кўрсатади (Куркин В.А. с ҳаммуал. 2010).

Кўпгина тадқиқотларда турли хил воситалар организмнинг химоя иммун ва ёт таъсирларга чидамлилигини ошириши ўрганилган:

Янтар кислотаси организмни стрессга бўлган мослашувчанлигини оширади ва пасайган иммун реактивлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида қўлланилади (Романцов М.Г., 2001).

"Янтар биостимулятори" препарати ҳайвонлар организмдаги метаболик жараёнларни меъёрлаштиради, табиий резистентлигини оширади, иммун жавобни кучайтиради (Швец О.М, 2008).

Мексидол липидлар перекис оксидланиш жараёнларини ингибирлайди, ферментларнинг антиоксидант фаоллигини оширади, гипополидемик таъсирга эга (Румянцева С.А. ва бошқ., 2002).

Д5 бионормализаторлар периферик қоннинг асосий клиник кўрсаткичларига таъсир қилмайди, аммо юборилиш усули ва миқдорига боғлиқ

бўлиб, яллигланишга қарши ва анальгетик таъсирга эга. 10.0 ва 20.0 мл микдорда қўлланилган биоген стимуляторлар сперматозоидларнинг сифати ва микдорини яхшилайти, шунингдек тўнғизларнинг уруғланиш фаоллигини оширади (Бондаренко О.Б., 2010).

Антиоксидант таркибли табиий даволовчи воситалари орасида анор донаги ёғи алоҳида ўрин тутаети. Анор донаги ёғи кимёвий таркиби билан бошқа антиоксидант таркибли табиий препаратларидан кескин фарқ қилади. Анор донаги ёғи таркибида оксил билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва протеолитик ферментлар билан бирикмайдиган кимёвий бирикмалар мавжуд бўлиб, оғиз орқали қабул қилиш мумкин. Анор донаги ёғининг асосий таъсири танани кимётерапия асоратларидан ҳимоя қилишдир. Аммо бошқа даволовчи хусусиятлари аниқлангандан сўнг, у мукамал иммуностимуляция қилувчи, тўқималарни қайта тиклайдиган ва ҳимоя қилувчи таъсирга эга эканлиги исботланди.

Организмда шикастловчи омиллар таъсирида кузатиладиган буйраклардаги реактив морфофункционал ўзгаришлар, буйракнинг бу таъсирга мослашувчан реакцияси характерини ва интенсивлигини аниқлашга имкон беради. Буйракнинг структуравий ва функционал ҳолатидаги ўзгаришларини объектив баҳолаш далилий тиббиётнинг замонавий талабларига жавоб берадиган морфометрик тадқиқот усулларига йўл очаети (В.П.Волков., 2015; Ключин Д.А. с соавт., 2008).

Мавжуд адабиёт маълумотларини ўрганиш натижасида анор донаги ёғининг сийдик айирув тизимига, яъни буйрак функциясига таъсири ҳақида маълумот етишмаслиги аниқланди. Бундан ташқари, саратон кассалликларида қўлланиладиган кимёвий воситаларни буйрак тузилишидаги морфометрик параметр ва биокимёвий кўрсаткичларнинг туғруқдан кейинги ўзгариши ва уларни биостимулятор анор донаги ёғи ёрдамида қайта тикланиши ҳозирги кунгача очиқ ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Ушбу диссертация ишини амалга ошириш Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Бухоро вилоятида COVID-19 дан кейинги даврда аҳолининг саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, диагностика қилиш, даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2022-2026 й.й) даги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди.

**Тадқиқот мақсади** тажрибада сут беги саратонида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар, ҳамда анор донаги ёғи билан коррекциялаш натижадорлигини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари қўйидагилардан иборат:**

тажрибада 7,12-диметилбензантрацен воситаси ёрдамида 6 ойлик каламушлар сут беги саратон касаллигини чақириш;

меъёрда ва кимётерапиядан 21 кун ўтгач 6 ойлик каламуш буйраклари параметрларини структуравий тузилишига ҳамда биокимёвий кўрсаткичларига илмий баҳо бериш;

кимётерапиядан кейин анъанавий даволаш усули (стандарт) орқали даволанган 6 ойлик оқ каламушлар буйраги морфологиясини ўрганиш;

кимётерапиядан сўнг анъанавий даволаш усулига (стандарт) кўшимча анор донаги ёғи билан коррекция қилинганда 6 ойлик оқ каламушлар буйраги морфологик ўзгаришларини аниқлаш;

кимётерапиядан сўнг фақат анор донаги ёғи билан коррекция қилинганда 6 ойлик оқ каламушлар буйраги морфологик ўзгаришларини аниқлаш;

тажриба давомида бир неча усулда анор донаги мойи билан коррекция қилинган 6 ойлик оқ каламушлар буйрагининг биокимёвий кўрсаткичларига амалий баҳо бериш ва морфометрик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини тахлил қилиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 6 ойлик оддий виварий шароитида 250 та оқ рангли зотсиз урғочи каламушлар ўрганилди. Тадқиқот мақсадига мувофиқ, барча экспериментал ҳайвонлар 13 та таққосланадиган гуруҳларга бўлинди: назорат ва сут беги саратон касаллиги чақирилган 12 та тажриба гуруҳлари.

**Тадқиқот предмети** бўлиб тажриба каламушларининг буйрагининг турли қисмларидан олинган гистологик материал ва биокимёвий тахлил учун олинган қон хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мақсадга эришиш учун тадқиқот усуллари гистологик, умумий морфологик, морфометрик, биокимёвий, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Тажриба ҳайвонларда сут беги саратон касаллигида кимётерапия қўллаб, буйрак морфологиясини қиёсий ўрганиш учун нормада каламушлар буйраклари таркибий қисмларининг тизимли қонуниятлари ва хусусиятлари тўғрисида маълумотлар олинган;

тажрибада илк маротоба кимётерапия таъсирида буйрак шикастланишидаги тузилмаларини морфометрик ўзгаришлари ва биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилган;

илк маротоба кимётерапияда буйракдаги ўзгаришларнинг морфометриясида анор донаги мойи антиоксидант сифатида таъсир даражаси, ҳамда кимётерапиядан кейинги ананавий консерватив даволашнинг буйрак тузилмалари параметрларига таъсирининг морфометрик хусусиятлар ўрганилган ва боҳоланган;

сут беги саратон касаллиги кимётерапиясида буйрак коптокчалари тўлақонлилиги, шунингдек томир девори, периваскуляр соҳа, каналчалар девори ва интерстициал соҳада бириктирувчи тўқимага хос бўлган коллаген толалар миқдорининг ошиши, анор донаги мойи ва ананавий давони бирга қўллаганилганда эса пасайиши асослаб берилган;

илк маротоба кимётерапияда тажриба ҳайвонларининг буйрагига таъсир даражасини белгилайдиган мезонларни яратиш орқали уларнинг танага таъсири хавфини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва тажрибадаги

ўзгаришларда анор донаги мойининг сийдик ажратиш тизимига ижобий таъсир даражаси исботлаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Олинган маълумотлар буйракларнинг морфологик ўзгаришига зарар етказиши мумкин бўлган оқибатларни башорат қилиш, олдини олиш ва патогенетик даволашни тушунишни кенгайтиради ва кимётерапия қўлланилган вақтида буйракдаги морфометрик ўзгаришлар даражасини аниқлашга ёрдам беради;

тажриба ҳайвонларида сут бези саратон касаллиги кимётерапиясида буйрак параметрларига таъсири мавжудлигини аниқлаш организм учун етарлича хавф даражасига эга эканлигини кўрсатади;

онкологияда кимётерапиянинг буйракда келтириб чиқарадиган ўзгаришлар даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишнинг босқичма-босқич методологияси ишлаб чиқилади ва тиббий амалиётга тавсия этилади;

кимётерапияда анор донаги ёғини қўллаш ва кимётерапиядан кейинги анъанавий консерватив даволашда буйракнинг ўрганиш натижаларига кўра, тажриба ҳайвонларида токсик моддаларни ва уларнинг организмга таъсири даражасини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи экспериментал, морфометрик, биокимёвий ва статистик усуллар билан тасдиқланди, бу нефрон тузилмаларининг морфологик ва функционал параметрлари ўзгаришларининг энг характерли қонуниятларини аниқлашга имкон берди, шунингдек, сут бези саратон касаллиги чақирилган урғочи оқ каламушларнинг буйракларидаги патологик ўзгаришларнинг шаклланиши ва ривожланишини аниқлашга ёрдам бериши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти организмда патоген омиллар таъсирида сийдик ажратиш тизимида юзага келадиган жараёнларнинг мураккаб механизмлари очиб берилганлиги, буйраклар гистотопографияси ва унинг структур ўзгаришлари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон бериши ва илмий тадқиқотнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Сут бези саратон касаллиги, кимётерапия қўллаш ва анор донаги ёғи билан коррекция қилинган оқ каламушлар буйрагининг таркибий ўзгаришларни ўрганиш буйракнинг имкониятларини белгилашга имкон беради.

Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти буйрак морфологияси ва унда кечадиган биокимёвий жараёнларни ўзгаришини ўрганиш, шунингдек унинг таркибий ўзгаришлари организмда турли патоген омиллар таъсирида юзага келадиган сийдик чиқариш жараёнларининг мураккаб механизмини очиб беришни тушунишда янги ёндашувдир.

Улар меъёрга ва антиоксидант таъсирида сут бези саратони касаллиги фонида кимётерапияни қўллаб, каламушлар буйракларидаги ўзгаришларнинг структуравий ва функционал механизмларини очиб беришга асосланади, бу эса

энг заиф даврларни белгилашга ва жуда муҳим профилактика тадбирларини ўтказишга имкон бериши билан изоҳланади.

Уларга эрта ташхис қўйиш сифатини оширишга, кимётерапия таъсирини далилларга асосланган самарали даволаш учун башорат қилиш усуллари ва тактикаларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Олинган маълумотлар экспериментал модел сифатида илмий лабораторияларда кимётерапия таъсирига боғлиқ сийдик айирув тизим касалликларини ўрганишда қўлланилади.

Шунингдек, кимётерапия қўлланилган организмнинг органларга таъсирини башорат қилиш бўйича янги маълумотлар шаклида олинган натижалар назарий жиҳатларга маълум ҳисса қўшади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Олинган илмий натижаларга асосланиб, нормал шароитда, сут бези саратон касаллиги, кимётерапия қўллаш, кимётерепиядан кейинги ананавий даво ва анор донаги ёғи билан коррекция қилиш таъсирида каламушларнинг буйрагининг морфологик, қондаги биокимёвий ва функционал хусусиятлари асосида:

Тасдиқланган услубий тавсиялар: “Сут бези саратон касаллиги кимётерепиясида буйракнинг морфометрик параметрларини ўзгаришни аниқлаш усуллари” (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 15-январ № 24-м/001-сонли хулосаси) ва “Сут бези саратон касаллиги кимётерепияси ва анор донаги ёғи билан коррекция қилинганда буйракларнинг морфометрик параметрларини аниқлаш методологияси” (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 15-январ № 24-м/002-сонли хулосаси), (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024-йил 10-февралдаги № 24-х/016-сонли илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича бирламчи хулосаси), электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури № DGU 29808 "Сут бези саратонида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар, ҳамда анор донаги ёғи билан коррекциялаш натижадорлиги".

Ушбу тавсиялар сут бези саратон касаллигида кимётерапия таъсирида буйраклардаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш, уларни ўз вақтида даволаш ва асоратларнинг олдини олиш тартибини тизимли равишда ташкил этишга имкон беради.

Сут бези саратон касаллигида кимётерапия таъсирида буйрак тузилишидаги морфофункционал хусусиятлар ва морфометрик ўзгаришларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Навоий филиалининг амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгашининг 25.09.2024 йилдаги 06/43-сонли хулосаси). Олинган тадқиқот маълумотларини амалга ошириш морфологик параметр ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари бўйича органопатологияни эрта ташхислаш, даволаш ва башорат

қилиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва асоратлар сонини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Бундан ташқари нефрология, онкология ва гистологиянинг назарий жиҳатларига маълум ҳисса қўшади. Натижалар амалий тиббиётда, одам анатомияси, гистология, патологик анатомия, патологик физиология ва онкология бўйича маърузалар вақтида ҳам қўлланилади.

*Ижтимоий / иқтисодий самарадорлик:* Сут беши саратон касаллигида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш, ҳамда анор донаги ёғи билан даволаш касалликнинг асоратлари ва ногиронлик ҳолатларни камайтириш орқали тадқиқотнинг ижтимоий аҳамиятини оширади. Иқтисодий самарадорликка кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш, ҳамда анор донаги ёғидан фойдаланиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада ётиш ҳамда амбулатор даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига эришилади.

*Тиббий самарадорлик:* Сут беши саратон касаллигида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш, ҳамда анор донаги ёғи қўллаш даволашнинг яқин ва узоқ давр муддатларида кузатиладиган асоратларини ўз вақтида олдини олишга қаратилган профилактик чора тадбирларни ўтказишга замин яратиб, мазкур беморларни даволашнинг юқори тиббий самарадорлигини таъминлайди.

Сут беши саратон касаллигида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш, ҳамда анор донаги ёғи билан коррекциялашни амалиётга жорий қилиниши касалликни даволаш самарадорлигини оширилишига имкон яратиб, асоратларни камайтириш, касалхонада ётоқ кунлари ҳамда амбулатор даволаниш давомийлигини қисқартириш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий мақола, шулардан докторлик диссертациялари (DSc) нинг асосий илмий ютуқларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти боб, хулосалар, амалий тавсиялар фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 200 бетлик компютерда ёзилган матнда тақдим этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Турли омиллар таъсирида буйракнинг морфофункционал хусусиятлари ва қондаги биокимёвий кўрсаткичлар ҳақида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида тадқиқотлар мавзуси бўйича сўнгги йилларда илмий манбаларда чоп этилган хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари таҳлил қилинган. Унда одам ва ҳайвонлар буйрагининг тараққий қилишидаги ўхшашликлар, анатомик ва гистологик тузилиши ҳамда вазифаларига бағишланган материаллари кенг қамровли тартибда ёритилган. Тажрибада ҳайвонлар айирув аъзоларининг меъёрий, сут бези саратон касаллигида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар, ҳамда анор донаги ёғи билан коррекциялаш натижадорлигини ўрганиш ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сут бези саратонида кимётерапия натижасида буйракларда келиб чиқадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар, ҳамда анор донаги ёғи билан коррекциялаш натижадорлигини баҳолашда материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил баён этилган. Тажрибалар виварий шароитида туғилган 250 та оқ урғочи зотсиз каламушларда ўтказилди. Каламушлар 13 гуруҳга бўлинди ( $n = 250$ ): I нозрат гуруҳидаги ( $n = 40$ ); 2-13 ( $n = 210$ ) – гуруҳлар тажриба ҳайвонлари 6 ойликдан бошлаб сут бези саратон касаллигини чақириш учун тажриба гуруҳларда 7,12-диметилбензантрацен канцероген воситаси 0,1 мг дозада сутбези тери остига юбориш орқали каламушлар сут бези саратон касаллиги чақирилди. Қондаги СА-15-3 (Cancer Antigen 15-3) онкомаркерини Х/Б (ҳалқаро/бирлик) миқдорини аниқлаш ва гистологик препаратлар ёрдамида сут бези саратон касаллиги чақирилганлиги текширилди. Бунда 68,9% натижага эришилди, яъни 210 та урғочи каламушлар сут безида 7,12-диметилбензантрацен канцерогени сут бези соҳаси тери остига 0,1 мг дозада юбориш орқали 145 та каламуш сут бези саратон касаллиги чақирилди. Шундан сўнг сут бези саратон касаллигига чалинган 145 та зотсиз оқ урғочи каламушларни яна 12 та гуруҳга бўлди. 2-гуруҳ ( $n = 12$ ) тажрибада саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,2 мг/кг дозада томир ичига паклитаксел дори воситаси ва 21 кун интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 0,7 мл ҳажмдаги дистилланган сув киритилиб турилди; 3-гуруҳ ( $n = 12$ ) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин дори воситаси ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги дистилланган сув киритилиб турилди; 4-гуруҳ ( $n = 12$ ) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозадан томир ичига

цисплатин ва 0,2 мг/кг дозада паклитаксел дори воситалари комбинацияси ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги дистилланган сув киритилиб турилди; 5-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,2 мг/кг дозада томир ичига паклитаксел ва 7 кун давомида суткасига 0,01 мг дозада тималин мушак орасига инъекция кўринишида киритилди; 6-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин ва 7 кун давомида суткасига 0,01 мг дозада тималин мушак орасига инъекция кўринишида киритилди; 7-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин ва 0,2 мг/кг дозада паклитаксел дори воситалари комбинацияси ва 7 кун давомида суткасига 0,01 мг дозада тималин мушак орасига инъекция кўринишида киритилди; 8-гуруҳ (n = 12) тажриба ҳайвонлари саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,2 мг/кг дозада томир ичига паклитаксел дори воситаси ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги анор донаги ёғи киритилиб турилди; 9-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин дори воситаси ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги анор донаги ёғи киритилиб турилди; 10-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин ва 0,2 мг/кг дозада паклитаксел дори воситалари ва 21 кун интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 0,7 мл ҳажмдаги анор донаги ёғи киритилиб турилди; 11-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,2 мг/кг дозада томир ичига паклитаксел ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги анор донаги ёғи, ҳамда 7 кун давомида суткасига 0,01 мг дозада тималин мушак орасига инъекция кўринишида киритилди; 12-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги анор донаги ёғи, ҳамда 7 кун давомида суткасига 0,01 мг дозада тималин мушак орасига инъекция кўринишида киритилди; 13-гуруҳ (n = 12) саратон касаллигига чалинган каламушларга 0,4 мг/кг дозада томир ичига цисплатин ва 0,2 мг/кг дозада паклитаксел дори воситалари комбинацияси ва интрагастрал равишда ошқозон метал зонди орқали 21 кун давомида 0,7 мл ҳажмдаги анор донаги ёғи, ҳамда 7 кун давомида суткасига 0,01 мг дозада тималин мушак орасига инъекция кўринишида киритилди.

Назорат гуруҳининг каламушларига интрагастрал равишда 0,7 мл ҳажмдаги дистилланган сув метал ошқозон зонди орқали 21 кун давомида киритилиб турилган. Ҳайвонларнинг умумий аҳволи ва хулқ-атворида ҳеч қандай оғиш бўлмаганлиги кўринди. Шундан сўнг тажриба ҳайвонлари эрталаб

тегишли вақтда тарозига тортилди, оч қоринга эфир наркози ёрдамида беҳушлик остида бошини кесиш орқали сўйилди ва тажрибага олинди. Ҳайвонларни ўлдириш лаборатория ҳайвонларидан фойдаланган ҳолда тиббий-биологик тадқиқотлари бўйича халқаро тавсияларга мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқот усуллари органометрик, гистологик, гистоморфометрик, микроскопик, статистик ва биокимёвий усулларни ўз ичига олган.

Буйракларнинг абсолют ва нисбий массаси, ҳамда буйрак ҳажми сонографик тадқиқотда алмаштирувчи стандарт эмпирик коэффициент формуладан фойдаланиб ҳисоблаб чиқилган.

Ушбу формула шундай кўринади:  $V = 0,523 \times a \times b \times c$  бу ерда  $a$  - узунлиги,  $b$  - кенглиги,  $c$  - буйракнинг қалинлиги.

Органометриядан сўнг буйраклар нейтрал формалиннинг 10% эритмасига бир ҳафта давомида сақланди. Фиксациядан сўнг, препаратлар бир соат давомида оқадиган сувда ювилган. Материаллар юқори коньцентрацияли спиртли эритма билан сувсизлантиришни ўз ичига олган стандарт техникага мувофиқ парафин блоклари қуйилган.

Кейинчалик, МС-2 микротоми ёрдамида қалинлиги 4-6 мкм бўлган парафин кесимлари тайёрланди, гематоксилин-эозин ва Ван-Гизон усуллари билан бўялган.

Кесимлар морфометрик усулда окуляр микрометр DN-107T / Модел NLSD-307B (Нобел, Хитой) ёрдамида текширилди, буйрак пўстлоқ қавати даражасида буйрак таначалари, қон томир коптокчалари ва коптокчалар капсуласи бўшлиғи ўлчанди, шунингдек уларнинг проксимал ва дистал эгрибугри каналчалари диаметри ва бўшлиғи диаметри, ҳамда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ўлчанди.

Тадқиқот давомида олинган морфологик маълумотларга математик ишлов беришни тўғридан-тўғри аниқлаш учун "STTGRAPH 5.1" дастурининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office дастурий таъминот тўплами "Excel 7.0" нинг умумий матричасида амалга оширилган. Бунда стандарт оғиш ва репрезентатив хатолар аниқланган.

#### **Хусусий текширув натижалари.**

Диссертациянинг «**6 ойлик соғлом каламушларда буйрак ва унинг нефронларининг морфологияси ва морфометрик хусусиятлари. Қондаги мочевина ва креатинин миқдори**» деб номланган учинчи боби тадқиқотда олинган натижаларига бағишланган.

Назорат гуруҳининг оқ зотсиз каламушларидаги органлар даражасида урғочи оқ каламушларни буйракларнинг чизикли ўлчамлари ва уларнинг ҳажмининг ошиши, шунингдек мутлақ вазнининг ошиши билан ажралиб турди. Органометрик кўрсаткичларининг динамик ўзгаришлар билан бир қаторда, кортикал нефронларнинг асосий тузилиш қисмларининг гистоморфометрия кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар юз берган. Кортикал нефронлар таркибий қисмларининг бундай структуравий ўзгариш динамикаси ва биокимёвий кўрсаткичлар адабиётда тасвирланганларга тўғри келади, шунингдек жинсий етук ҳайвонлардаги юқори морфофункционал фаоллигини кўрсатган.

Диссертациянинг «**Кимёвий канцероген таъсирида каламушларда сут беzi саратон касаллиги чақириш ва тадқиқот давомида тажриба ҳайвонлари сут беziдаги морфологик ўзгаришлар, ҳамда қондаги мочевина ва креатинин миқдорини ўзгариши**» деб номланган тўртинчи боби тадқиқотда сут беzi саратон касаллигини чақиришга бағишланган.

Диметилбензантраценнинг 0,1 мг тери остига бир марта юборилиши саркома пайдо бўлишини рағбатлантиради, шунингдек терига қўллаш каламушларда папилломалар ва тери саратони пайдо бўлишига олиб келади.

Бизнинг тажрибамизда ҳам каламушларда сунъий равишда канцероген восита таъсирида келтириб чиқарган саратон касаллиги айнан тажриба ҳайвонлари сут беzi чиқарув йўллари эпителийсидан ривожланган ёмон сифатли ўсма касаллигидир. Бунда визуал равишда ва палпацияда қаттиқ тери, катталашган кўкрак ва юқори тана ҳарорати билан ифодаланган яллиғланиш шакли кузатилди. Кўкрак шакли аста-секин ўзгарди, ноодатий ассиметрия пайдо бўлди. Терининг ранги ва тузилиши ўзгарди. Турли кўринишдаги доғлар, қизариш ва шишлар, "лимон пўсти" симптоми, айрим тажриба ҳайвонларида майда яралар пайдо бўлиши кузатилди. Қондаги СА-15-3 (Cancer Antigen 15-3) онкомаркерини Х/Б (ҳалқаро/бирлик) миқдорини аниқлаш ва гистологик препаратлар ёрдамида сут беzi саратон касаллиги чақирилганлиги текширилди. Бунда 68,9% натижага эришилди.

Ўтказилган гистоморфометрик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, буйрак нефронларнинг асосий қисмларининг гистоморфометрияси ва биокимёвий кўрсаткичлари деярли фарқ қилмади. Бу эса жинсий етук ҳайвонлардаги юқори морфофункционал фаолликни кўрсатади.

Диссертациянинг «**Тажрибада сут беzi саратон касаллигида кимётерапия қўллаш**» деб номланган бешинчи боби тадқиқотда кимётерепиядан кейинги олинган натижаларига бағишланган.

**Сут беzi саратон касаллиги кимётерепиясида 0,2 мг/кг дозада паклитаксел воситаси қабул қилган каламушлар буйраги ва нефрон тузилмаларининг қиёсий морфологияси, ҳамда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлар хусусиятлари.**

Тажрибада буйрак таначасининг умумий майдони ўртача ҳисобда 2684,97 мкм<sup>2</sup> дан 2768,67 мкм<sup>2</sup> гача, ўртача 2738,27 ± 46,65 мкм<sup>2</sup>, экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 7,02% га кам, томирлар коптокчасининг майдони 2400,76 мкм<sup>2</sup> дан 2454,34 мкм<sup>2</sup> гача, ўртача 2427,08 ± 34,53 мкм<sup>2</sup>, бу тажрибанинг 1-гуруҳига нисбатан 5, 68% кам ва капсула бўшлиғи майдони 402,81 мм<sup>2</sup> дан 422,83 мм<sup>2</sup> гача, ўртача 413,26 ± 32,09 мм<sup>2</sup>, бу эса тажрибанинг 1-гуруҳидан 12,73% га камлиги кўрилди.

Проксимал эгри-бугри каналчаларининг диаметри 32,26 мкмдан 34,96 мкмгача кичрайиб ўзгаргани аниқланди, ўртача 33,18 ± 0,47 мкм, бу экспериментнинг 1-гуруҳига қараганда 8,28% га камроқ, проксимал эгри-бугри каналча бўшлиғи диаметри 12,85 мкмдан 15,31 мкмгача, ўртача 13,64 ± 3,08 мкм, тажрибанинг 1-гуруҳи билан таққослаганда 18,47% га кам ташкил этади.

Дистал эгри-бугри каналча диаметри 26,64 мкмдан 28,23 мкмгача, ўртача 27,46 ± 0,48 мкмни ташкил қилади, бу тажрибанинг 1-гуруҳидан 9,69% га кичик, дистал эгри-бугри каналча бўшлиғи диаметри 13,12 мкмдан 13,94


мкмгача, ўртача  $13,58 \pm 0,21$  мкм, экспериментнинг 1-гурухига нисбатан 13,29% га кам эканлиги аниқланди.

Қоннинг биокимёвий текшируви пайтида қонда мочевина миқдори 7,6-9,2 ммол/л ва креатинин миқдори эса 91-112 мкмол/л ни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичларни бироз ошганлиги аниқланди. Бунда мочевина кўрсаткичлари тажрибанинг 1-гурухидан 8,56% га ва креатинин миқдори эса тажрибанинг 1-гурухидан 14,23% га ошганлиги намоён бўлди. Бундай кўрсаткичларни кўпинча овқат таркиби билан боғлашади. Аммо бизнинг тажрибамиз давомида тажриба ҳайвонлари кунлик овқатланиш рационини ўзгартирилмаган эди.

**Сут бези саратон касаллиги кимётерапиясида 0,4 мг/кг дозада цисплатин воситаси қабул қилган каламушлар буйраги ва нефрон тузилмаларининг қиёсий морфологияси ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичлар хусусиятлари.**

